

“МА’НАВИЯТ МАРАФОНИ” БЎЛИБ ЎТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Биз бир бўлсак-ягона халқмиз, бирлашсак - Ватанмиз!” деган эзгу даъватлари асосида “Маънавият марафони” доирасида Қумқўрғон туман ҳокимлиги, туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ҳамкорликда 27-сонли умумтаълим мактабида “Тарғиботчининг бир куни” ҳамда “Саломлашишни унутиш – ўзликни унутиш” лойиҳалари доирасида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси, “Жануб посбони” газетаси бош муҳаррири, фахрий устоз Ж.Аноров, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси, шоир Ў.Абраев, туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари Ш.Мамадиев, бўлинма бош мутахассиси А.Каримов ҳамда 27-сонли умумтаълим мактабининг бир гуруҳ ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари иштирок этишди.

Фаоллар залида фахрий устозлар томонидан ўзлари ижод наъмуналари баҳраманс этдилар. Шундан сўнг умумтаълим мактабида ўз салоҳиятлари доирасида спортнинг шахмат тури бўйича бир неча ютуқларни қўлга киритиб, тенгдошлари орасида намуна ва ибрат бўлишга улгурган ўқувчилар I, II, III- даражали диплом ва умумтаълим мактаби кутубхонаси учун китблар совға қилинди.